

# УЛГУРЖИ ИСТЕММОЛЧИЛАР УЧУН ЭЛЕКТР ТАЪМИНОТИ

## ШАРТНОМАСИ

2022 йил “20” январ

13/5/65

Риштон тумани

Низом асосида фаолият юритувчи Риштон туман электр тармоқлари корхонаси раҳбари Р.Додокузиев кейинги ўринларда (“Таъминотчи корхона” деб аталади) бир томондан ҳамда низом асосида фаолият юритувчи Риштон туман ободонлаштириш бошқармаси раҳбари С.Хайдаров (кейинги ўринларда “Истеъмолчи” деб аталади), иккинчи томондан мазкур шартномани қуидагилар тўғрисида туздилар:

### I. ШАРТНОМА ПРЕДМЕТИ

1. Ушбу электр таъминоти шартномасига (кейинги ўринларда - **Шартнома** деб аталади) мувофиқ, “Таъминотчи корхона” “Истеъмолчи”га электр энергиясини уланган тармоқ оркали етказиб бериш ва “Истеъмолчи” истеъмол қилинган энергия учун ўз вактида ҳак тўлаш мажбуриятини олади.

### II. ЕТКАЗИБ БЕРИЛГАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯНИ ХИСОБГА ОЛИШ

2.1. Электр энергия истеъмолининг йиллик шартномавий ҳажми:

Актив **3333 кВт.с.** реактив \_\_\_\_\_ кВар.с.

2.2. Етказиб бериладиган энергиянинг шартнома тузилган кунидаги умумий нархи 450 сўмни, тариф бўйича **1499850( бир миллион тўрт юз тўқсон тўқиз минг саккиз юз эллик) сўмни ташкил этади.**

тариф тури: табақалаштирилган, бир ставкали ёки ахолига тенглаштирилган, (кераклиси ёзилсин)

2.3. “Истеъмолчи”га етказиб бериладиган электр энергиясининг ойлар кесимидағи йиллик ҳажми ушбу шартномага 1-иловада келтирилган.

Етказиб берувчи томонидан хизматларни тўлиқ ҳажмда кўрсатиш учун электр таъминотида танқислик юзага келган тақдирда, Вазирлар Маҳкамасининг 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорида қайд этилган, стратегик ва ижтимоий аҳамиятга эга истеъмолчиларга зарур бўлган электр энергиясининг минимал ҳажмини, шу жумладан чораклар ва ойлар бўйича истеъмолчи билан белгиланган тартибда олдиндан келишилган холда етказиб берилишини таъминлаши шарт (7-илова).

2.4. “Истеъмолчи” томонидан истеъмол қилинган электр энергиясининг ҳак тўланиши лозим бўлган ҳажми ушбу шартномага 2-иловада назарда тутилган хисобга олиш приборларининг кўрсаткичлари асосида, хисобга олиш приборлари уланган ток ва кучланиш трансформаторларининг трансформация коэффициентлари инобатга олинган холда аниқланади.

2.5. Истеъмолчиларнинг (майший истеъмолчилар ва тадбиркорлик субъектларидан ташқари) электр энергиясини хисобга олиш ускуналари, шунингдек электр энергиясини хисобга олишнинг бошка воситалари (ўлчов трансформаторлари, автоматлар, симлар ва бошқалар) истеъмолчининг маблағлари хисобига сотиб олинади, давлат қиёсловидан ўтказилади, худудий электр тармоқлари корхоналари томонидан бепул ўрнатилади, пломбаланади ва рўйхатдан ўтказилади.

Тадбиркорлик субъектларидағи электр энергиясини хисобга олиш электрон асбобларини сотиб олиш, ўрнатиш, рўйхатта олиш, даврий давлат қиёсловидан ўтказиш ва пломбалаш, шунингдек, мавжуд (жумладан, индукцион) хисобга олиш асбоблари худудий электр тармоқлари корхонаси маблағлари хисобидан алмаштирилади.

Хисобга олиш истеъмолчининг айби билан бузилган тақдирда (ток ва кучланиши ўлчаш трансформаторларининг ишдан чиқиши, шунингдек, иккиламчи коммутация, хисобга олиш асбобларининг шикастланиши ва уларнинг йўқолиши) хисобга олиш назорат килиш